

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 3955,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати 103,9 фоизга тенг бўлди.

2020 йилнинг январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 111,1 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		2019 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
	2019 йил	2020 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	3426,4	3955,1	103,9
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3066,2	3617,2	103,9
Маҳсулотларга соф солиқлар	360,2	337,9	104,1
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3066,2	3617,2	103,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	401,7	481,4	104,3
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1395,4	1599,8	105,0
саноат	1143,0	1304,6	106,1
қурилиш	252,4	295,2	100,4
Хизматлар	1269,1	1536,0	102,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	195,6	223,0	101,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	229,5	267,1	107,3
бошқа хизматлар	844,0	1045,9	101,5

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби январь-март ҳолатига
(жамига нисбатан фоизда)

2019-йил январь-март



2020 йил январь-март




2020 йилнинг январь-март ойларида Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ўсиш суръати - 104,3 % (ЯХМ таркибидаги улуши 13,3 %), саноат (қурилишни қўшган ҳолда) - 105,0 % (44,3 %) ҳамда хизматлар тармоғи - 102,5 % (42,4 %).

Январь-март ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида

	жамига нисбатан фоиз ҳисобида		ўтган йилга нисбатан фарқи, (+;-)
	2019 йил	2020 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	100,0	100,0	x
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	89,5	91,5	2
Маҳсулотларга соф солиқлар	10,5	8,5	-2
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100,0	100,0	x
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	13,1	13,3	0,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	45,5	44,3	-1,2
саноат	37,3	36,1	-1,2
қурилиш	8,2	8,2	-
Хизматлар	41,4	42,4	1,0
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6,4	6,2	-0,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	7,5	7,4	-0,1
бошқа хизматлар	27,5	28,8	1,3

2020 йилнинг январь-мартда ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



Иқтисодий фаолият турлари

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 91,5 фоизини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 8,5 фоизини ташкил этди.


Ҳисобот даврида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2080,4 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври (1829,7 минг сўм)га нисбатан 2,4 фоизга ошди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,2 фоизли пунктга (ЯҚҚ таркибидаги улуши 44,3 %) камайди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМ таркибидаги улуши 2020 йил январь-мартда 13,3 фоизни ташкил этди ва 2019 йил мос даври (13,1 %) билан таққосланганда 0,2 фоизли пунктга ҳамда хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши 42,4 фоизни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври (41,4 %) билан таққосланганда 1,0 фоизли пунктга ошди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 6,2 фоизни (2019 й. – 6,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 7,4 фоизни, (7,5 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 28,8 фоизни (27,5 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймат таркиби
(жамига нисбатан фоизда):

2019-йил январь-март



2020-йил январь-март

